

Вафотингни эмас, охиратингни ўйлаб ғамдаман



07:00 / 21.05.2019 3293

Муҳаммад ибн Куносадан ривоят қилинади: «Зарр ибн Умар Ҳамадоний тўсатдан вафот этиб қолди. Буни эшитган қариндошлари Заррнинг отаси олдига уввос солиб йиғлаб келишди. Ота ўзи маҳзун бўлса-да, қариндошларни сабрли бўлишга чақириб, «Сизларга нима бўлди? Ўғлимнинг жонини олган Аллоҳга шикоят қиляпсизларми?» деди. Улар: «Ҳа, Аллоҳга қасамки, биз зулм кўрмадик, озор кўрмадик, бизга ноҳақлик қилинмади, ортиқча нарса сўралмади. Аллоҳ таолога ҳеч қандай шикоятимиз йўқ» деб, ўзларини босиб олишди. Жаноза ўқилиб, маййит тобутда одамларнинг елкалари узра қабристон томон йўл олди. Отаси жасадни қабрга қўяркан, ўғли билан шундай видолашди: «Ўғлим, Аллоҳ сенга раҳм қилсин. Аллоҳга қасам, сен менга яхшилик қилар эдинг, мени яхши кўрардинг. Шунинг учун аҳволингдан кўп хавотирланмаяпман. Бизга

Аллоҳ таолонинг Ўзи кифоя, бизни ташлаб қўймайди. Сен кетиб, азиз ҳам бўлмадик, хор ҳам бўлмадик. Мен сенинг вафотингни эмас, охирадаги ҳолингни ўйлаб кўпроқ қайғуряпман. Эй Зарр, охирада қўрқинчи бўлмаганда, сенинг ўрнингда бўлишни орзу қилган бўлардим!»

Кейин Роббул оламинга илтижо билан шундай дуо қилди: «Аллоҳим, ўғлим Заррнинг вафоти билан берган мусибатингга сабр қилсам, савоб ваъда қилгансан. Аллоҳим, ўғлим Заррга салават ва раҳматинг бўлсин! Аллоҳим, ўғлим учун берадиган ажрингни силаи раҳм ўлароқ унга бераман. Уни ёмон бандаларинг қаторида кўрмагин. Унинг гуноҳларини кечиргин, чунки Сен унга мендан ҳам меҳрибонсан. Аллоҳим, унинг менга қилган баъзи ёмонликларини кечирдим, Сенга нисбатан қилган нотўғри ишлари бўлса, уларни кечириб, ўрнига мукофот бергин. Сен мендан сахий ва карамлисан».

Ниҳоят, қабристондан чиқиб кетаётиб, ўғлининг қабрига қараб шундай деди: «Эй Зарр, сенга фойда берадиган нарсани ҳозир қилган бўлсак-да, сени қўлимиздан келганча дафн қилган бўлсак-да, барибир сени шу ерда ташлаб кетишга мажбурмиз...»

«Солиҳлар гулшани» китобидан